

Сагдулла ЖАМАЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси катта ўқитувчиси

АБДУЛҲАЙ АЛ-ЛАКНАВИЙ «АЛ-ФАВОИД АЛ-БАҲИЙЯ» АСАРИДА БУХОРО ФАҚИҲЛАРИ

Етук олим, факих, муҳаддис, мутакаллим Абдулхай ал-Лакнавий, (1264–1304 х./1847–1886 йй.) мусулмон оламининг кўплаб намоёндалари катори, мовароуннаҳрлик факих, муҳаддис, мутакаллим олимларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганган ҳамда уларни “ал-Фавоид ал-баҳийя” асарида жамлаган¹.

Ўз даврининг етук олими, факихи, мутакаллими, муҳаддиси, тарихчиси, тадқиқотчи-танқидчиси сифатида танилган Абдулхай ал-Лакнавий – Муҳаммад ибн Абдулхай ибн Муҳаммад ибн Абдулҳалим ал-Лакнавий Абу ал-Ҳасанот. Манбаларда келтирилишича, Абдулхай ал-Лакнавийнинг келиб чиқиши Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в) таниқли ансорларидан бўлган Абу Аййуб ал-Ансорийга бориб тақалади².

Абдулхай фикҳ соҳасида ҳанафийлик мазҳабига мансуб бўлган уламоларнинг фикр-мулоҳазаларини тўплагани, Мовароуннаҳр фикҳ илми ва ҳанафийлик мазҳабининг ривожига муҳим ҳисса қўшганлиги сабабли “ал-факих” мақомига сазовор бўлган. У амал-мансабдан йироқ бўлиб, ҳаётини асосан илму маърифатга бағишлаган³.

¹ Лакнавий, Абдулхай. Ал-Фавоид ал-баҳийя фи таро-жим ал-ҳанафийя / Аҳмад аз-Заъбий таҳрири остида. 1-нашри. – Байрут – Ливан.: Дор ал-арқом ибн аби ал-арқом, 1998. – Б. 2. Янги наشري 2006 й. октябр ойида чоп этилган.

² Шайх Абу ал-Ҳасанот Муҳаммад Абдулхай ибн Абдулҳалим ибн Аминуллох ибн Муҳаммад Акбар ибн Аби ар-рахм ибн Муҳаммад ибн Ёқуб ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн аш-шайх аш-шаҳид Қутбиддин ал-Ансорий ас-Саҳолувий ал-Лакнавий ал-Ҳиндий.

³ Ал-Кураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Аби-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳир ал-мудийя фи табақот ал-ҳанафийя. 6 жилдли. – Муассасат ар-рисола: 1398/1988. Ж. II. – Б. 120.

Убайдулла Садр аш-Шариъа ал-асгар (ваф. 747/1346 й.). У ибн Масъуд ибн Тож аш-Шариъа Маҳмуд ибн Садр аш-Шариъа Аҳмад ибн Жамол ад-дин Убайдулла ал-Маҳбубий “Шарҳ ал-Викоя”нинг муаллифи бўлиб, Садр аш-Шариъа лақаби билан танилган. Шариат аҳкомларини муҳофаза қилувчи улуғ олим ва имомдир. Ақлий ва нақлий усул ва фаръий илмлари шайхи, жадал, ҳилоф, ҳадис, тафсир, наҳв, луғат, адаб, назария, калом, мантиқ илмлари билимдони ва буюк мартабага эга шайх сифатида танишади. Убайдулла илмни бобоси Тож аш-Шариъа Маҳмуд ибн Садр аш-Шариъадан, у Садр аш-Шариъанинг отасидан, у эса Жамолиддин ал-Маҳбубидан, у ал-Имом Муфти Зоадан, у эса Имодаддиндан, у отаси аз-Заранжарийдан, у эса Сарахсийдан, у Ҳалвонийдан, у эса Абу Али ан-Насафийдан, у Субазмунийдан, у эса Абдуллох ибн Абу Ҳафс ал-Кабирдан, у отаси Муҳаммаддан илм ўрганади. Убайдулла бобосининг таснифотларидан “Шарҳи Викоя” шарҳини ихчамлаштириб, унга “ан-Ниҳоя” деб номлади. Шундан сўнг унга шарҳ ёзиб, “ат-Тавдих” деб номлади. Ота-бобоси ва уларнинг авлодлари қўйилган қабристон Шаръий – Обод Бухорода жойлашган. Аммо Тож аш-Шариъанинг отасининг отаси, бобоси, онасининг отаси Бурҳониддин Кармонда вафот қилиб, ўша жойга дафн қилинган. Абд ал-Боки ал-Ҳотиб Мадинаи мунавварада кишиларнинг насабини Қодихонга етказди. Али ал-Қорий Убайдулланинг вафотини 680 х./1281 йили ярмида деб тахмин қилади. Қайд этувчидан хато ўтган бўлиши мумкин, бошқа бир нусхага мурожаат қилинсин. “Кашф аз-зунун”нинг соҳиби унинг вафотини 747 х./1346 йили ёки 745 х./1344 йили бўлди, деган. Убайдулла ибн

Масъуднинг насабини саҳоба Убода ибн ас-Сомитга етказган эканлар. Убода ибн ас-Сомит озод қилинган қуллардан бўлиб, ал-Мавло Абд ал-Мавло ад-Дамятий озод қилган хожаси бўлган, ад-Дамятий Аҳмад ат-Тахтовийнинг шогирдидир. Ат-Тахтовий “Таълиқ ал-анвор ад-дурр ал-мухтор”нинг ҳошиясида, Саййид Муртазо ал-Хусайнийнинг шажарасида Садр аш-Шариъанинг насабини зикр қилган эканлар. Садр аш-Шариъа деганимиз Убайдулла ибн Масъуднинг Тож аш-Шариъа Маҳмуд ибн Садр аш-Шариъа ал-Акбар Аҳмад ибн Жамолиддин Абул Макорим Убайдулла ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Абдулмалик ибн Амсар Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Халаф ибн Ҳорун ибн Муҳаммад ибн Маҳбуб ибн ал-Волид ибн Убода ибн ас-Сомит ал-Ансори ал-Маҳбубийдир. Бизнинг шайхимиз дедилар: унинг насабини Бухоронинг тарихида кўрганман, Тож аш-Шариъа Садр аш-Шариъанинг ота томондан бобосидир. Садр аш-Шариъа “Шарҳ ал-Викоя”нинг муаллифидир. Тож аш-Шариъанинг исми Маҳмуддир. Садр аш-Шариъа ал-Акбар Тож аш-Шариъанинг отасининг лақаби бўлиб, у Аҳмад ибн Убайдулладир. Жамол ад-дин Убайдулла Тож аш-Шариъанинг бобосидир. Садр аш-Шариъа ал-Акбарнинг бобоси Жамоладдиннинг отаси бўлиб, унинг исми Иброҳимдир. Унинг қимматли асарларидан бири “Мажма ал-Максуд”дир.

Муҳаммад ибн Фадл Абу Бакр ал-Фадл ал-Куморий ал-Бухорий (426 ҳ./1034–508ҳ./1114 й.). У улуг имомлардан бўлиб, ривоятда ишончли буюк устодлардан эди, у ўзининг чиқарган фатволаридан китоблар тасниф қилар эди, у фикҳ илмини устод Абдуллоҳ ас-Субазмунийдан, у эса Абу Ҳафс ас-Сағир отаси ва Муҳаммаддан олди. У 581 ҳ./1185 йили вафот қилди. Али ал-Қорий деди: ас-Самъоний авлодларидан баъзи бирларини зикр қилдилар, у ҳам бўлса машҳур ал-Фадлийдир, у Бухоро имомидир. Оталаридан бошлаб зикр қилсак, Усмон ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Фадл ибн Жаъфар ибн Жаад ибн Заръат ал-Бухорий машҳур ал-Фадлийдир. Бухорода вафот этган. Унинг ўғли Қози Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Иброҳим ал-Фадлий қозилик қилган даврларида барча халқ мақтарди, у қозилик мансабидан бошқа Бухорога хатиблик ҳам қилган, уни баъзи бир ривоятларида 533 ҳ./1138 йили ёки 549

ҳ./1154-йилларда вафот этган деб айтилади. “Табақот ал-Қорий” китобида Муҳаммад ибн Фадл Абу ал-Фодил ал-Куморий деб келтирилган. Ҳикоя қилинадики, Абу ал-Фадл ал-Куморийнинг отаси ва “Мабсут” китобини ёдласа, сизларга ёдлаганингиз учун минг танга берамиз деганлар. “Мабсут” китобини ёдлаган биродарига минг танга берибди. Абу Бакрга шуни ёдлаганингиз сизга мукофот, дебдилар, Абу Бакр ғазабланиб уйдан чиқиб кетиб, Фарғона шаҳрига боришибди. Фарғонада Қодихонни масжидда учратибди, у минбарда туриб жамоага қарата сўзлабди, бир неча уламолар унинг гапига қулоқ солиб ўтирибди, баъзи бир уламолар Қодихоннинг сўзини ёзиб ўтирибдилар. Мазкур мажлисда Қодихон Имом Абу Йусуф билан Имом Муҳаммаднинг ўрталаридаги ихтилофли масалани айтиб, Имом Муҳаммаднинг сўзини Имом Йусуфнинг сўзи қилди, Имом Абу Йусуфнинг сўзини Муҳаммаднинг сўзи қилиб ровийларни аралаштириб Абу Бакрдан сўралди. Абу Бакр бу сўз тескари қилиниб айтилган, деди. Қодихон йўқ тескари қилинмаган, дедилар. Абу Бакр агар бундай қилмаган бўлса, мана бу сўзни Абу Йусуфга қайтарилади, анависини Муҳаммадга қайтарилади, шунда бу масала шунақа бўлади, деди. Шундай қилиб, Абу Бакр бир қанча масалаларни ровийларини жой-жойига қўйиб айтиб берди. Шундан сўнг Қодихон минбардан тушиб, Абу Бакрни қучоқлаб, эй Саййидим, сиз Муҳаммад ибн Фадл ал-Куморий эмассизми, деди. Абу Бакр ибн Фадл ал-Куморий Али мендурман, деди. Ундай бўлса бу мажлисимга ўтиришга сиз ҳақлисиз, дедилар. 371 ҳ./981 йили Бухорода вафот қилди. Мусанниф Али ал-Қорий, ал-Куморийни ўзининг таржима китобида зикр қилибди, бу киши 371 ҳ./981 йили туғилса, Қодихон, яъни исмлари Ҳасан ибн Мансур ал-Фарғонийдир, деди. У 592 ҳ./1195 йили туғилган, бу иккаласининг учрашишлари қанақа, бундай мулоқот мумкин эмас-ку? Чунки иккаласи яшаган вақтда фарқ бўлиб, бундай бўлиши мумкин эмас. Масалан, Фазл ал-Куморий 371 ҳ./981 йили туғилган, Қодихон эса 592 ҳ./1195 йили туғилган, бу эса хато. Балки олдинги даврларни эътибордан соқит қилган. Муаллиф деди: мен Қодихон билан учрашганига шубҳа қиламан. У 549 ҳ./1154 йили вафот этган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Фадл ал-Куморийни “Ансоб”дан нақл қилинган. “Ал-Жавоҳир ал-мудийя” китобида “ал-Куморий”ни “ал-Камарий” деб келтирган.

Али ибн Мавдуд ибн ал-Хусайн ибн ал-Хасан ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Кушоний (480 х./1087 й.–557 х./1162 й.). У аҳли фозил, факих уламолардан бўлиб, амакиси Маҳмуд ибн ал-Хусайнийдан Бухорода фикҳдан дарс олди. Амакиси Абдуазиз ибн Мозадан фикҳ илмини ўрганди. Ўз навбатида у Марв шаҳрида Муҳаммад ибн ал-Хусайний ал-Арсабандийдан, у қозий ал-Марвазийдан, у эса ад-Дабусийдан, у Абу Ҳафс ас-сағирдан, у эса отаси ва Муҳаммаддан фикҳ илмини ўрганди⁴. Бундан ташқари, у воиз бўлиб, халққа фойдали ваъз-насихат қилур эди. Унинг “Кушоний” деган тахаллуси шаҳарнинг номига нисбатан олинган. Бу шаҳар Самарқанд атрофида жойлашган, Сугд шаҳарларидан биридир. Ас-Самъоний сўзига кўра, кейинги ва охириги уламолардан ҳисобланган Абу ал-Маъоли Масъуд ибн ал-Хасаний ибн ал-Хусайний ал-Кушоний аҳли фозил уламолардан бўлиб, яхши хулқ ва сийрат эгаси эди. У Самарқанд шаҳрида кўп йиллар хатиблик вазифасини бажарди ва китоб ёзиб, дарс берди. Ас-Самъоний билдиришича у Али ибн Мавдуд ибн ал-Хусайний Абулқосим ибн ал-Хотибдан, Муҳаммад ибн ал-Хусайний ал-Бохили ал-Кушонийлардан ривоят қилар эди. У 504 х./1111 йили вафот этди, Самарқандда қабрини топиб зиёрат қилдим. Абу ал-Фатҳ Маҳмуд ибн ал-Кушоний Бухорода қози бўлса-да, лекин сийратлари ҳеч кимга ёқмади ва мақталмади. У отаси Исмоил ал-Калабозий ва бошқа уламолардан илм олди, 552 х./1128 йили рамазон ойининг тўртинчи кунда таровиҳ намозини ўқиб бўлганидан кейин тўсатдан вафот этди. Абу ал-Хасан Али ибн Мавдуд ибн ал-Хасан ал-Кушоний фозил имом бўлиб, ҳақ сўзни айтадиган олим киши эди. У ўзининг амакиси Масъуддан ва Абдуллоҳ ас-Сарахсийдан илм ўрганди. У бир қанча йиллар Марв шаҳрида, кейин Бухоро ва Самарқандда дарс берди. Ас-Самъоний дедики, мен у киши ҳақида таассуротларимни ёзган эдим. Чунки иккимиз ўзаро дўстона муносабатда бўлганмиз.

⁴ Ат-Табақот ас-санийя. Ал-Мавло Тамимий Тақиюддин Абдулқодир. Ат-Табақот ас-санийя фи тароҷим ал-ҳанафийя. 4 жилдди/Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳилв нашри. – Дор ар-Рифоий, 1983. – Б. 1579. Ал-Қураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Аби ал-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавохир ал-мудийя фи табақот ал-ҳанафийя. 2 жилдди. – Хайдаробод: 1332/1913. – Б. 1016; Катоиб Аълом ал-ахйор. Ал-Кафавий Маҳмуд ибн Сулаймон. Катоиб Аълом ал-ахйор мин фуқаҳои мазҳаб ан-Нуъмон ал-мухтор. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. Инв. № 2929. – Б. 347.

Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ал-Бухорий. Хоҳарзода исми билан машҳур. Унинг асл исми ва куняси Муҳаммад ибн ал-Хусайн ал-Бухорийдир. У улуг алломалардан бўлиб, Мовароуннаҳрда етук олимлардан биридир. У бир қанча китобларни тасниф қилади, шулардан “Мухтасар”, “ат-Тажнис”, “ал-Мабсут” шулар жумласидандир. Унинг “ал-Мабсут” китоби “Мабсут Хоҳарзода” номи билан машҳурдир. Икки Хоҳарзода исмли одам бўлган, аввалгиси мазкур Хоҳарзода, Қози Абу Собит Муҳаммад ибн ал-Бухорийнинг синглисининг ўғлидир, у 433 х./1042 йили жумади ал-аввал ойида вафот қилди. У олдинги даврларда яшаган. Иккинчиси кейин яшаган бўлиб, исмлари Бадруддин Муҳаммад ибн ал-Кардарий бўлиб, Абдуссаттор ал-Кардарийнинг синглисининг ўғлидир. У 651 х./1253 йили зулқайда ойида вафот қилган. Али ал-Қорий қайд этишича “Сийар ан-нубало” китобида аз-Заҳабий бундай деган: Хоҳарзода Мовароуннаҳр олимларининг шайхи эди, исмлари Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Муҳаммад ибн ал-Адий Бухорийдир, Қоди Абу Собит Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорийнинг синглисининг ўғлидир, шу учун Хоҳарзода лақаби ила танилган. Хоҳарзода отаси ва Абу Носир ҳоким, Абу Омирлардан илм ўрганди. Ундан Али ал-Байқандий, Лукмон ан-Насафийлар илм ўрганди. Уни илм денгизи дейишган. У жумади ал-аввал ойида 483 х./1090 йили Бухорода вафот қилди. Қоди Абу Собит Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий синглисининг ўғли бўлганлиги туфайли аксарият уламолар томонидан “Хоҳарзода” номини олди.

Хулоса қилиб айтганда, Умумжаҳон тамаддуни ўчоқларидан ҳисобланган Бухоро, Самарқанд, Насаф каби Мовароуннаҳрдаги қадимий шаҳарларнинг Буюк ипак йўлида жойлашгани ҳам бу заминда ислом дини, хусусан ҳанафийлик мазҳабининг тарқалиши ва ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бўлди.

Жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган яна юзлаб буюк алломаларнинг Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққанини тасодифий ҳолат, деб бўлмайди. Зотан, бу қадимий заминда азал-азалдан илм-фан ва маданият чуқур илдиз отган, унинг фарзандлари эса жамият ва инсоният манфаатлари йўлида ҳар қандай илмни ҳам тез ва теран илғаб олиб, уларни юксак поғоналарга кўтара олиш салоҳиятига эга бўлганлар.